БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (1042)

22 ФЕВРАЛЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## БУГУНГИ СОНДА:

Андижон областига Ленин ордени топширилди. (1-бет).

Пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари шарафига Катта Кремль саройида қабул маросими (1 ва 2-бетлар).

СССР Олий Совети Президиумининг адмирал Октябрьскийга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида Фармони (1-бет).

СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик (2-бет).

СССР Ҳукуматининг баёноти (2-бет).

**Ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, дала ишлари суръатини кучайтирайлик! Н. Рихсиев, З. Муҳамаджонов.** — Бу йилги ҳаракат бошқача (3-бет).

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН: **Х. Саматова.** — Совет демократияси ва хотин-қизлар (3-бет).

ФЕЛЬЕТОН: **Б. Халилов, Ш. Кузанбоев.** — Игна санчар «доктор»лар (3-бет).

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН: **В. Мансветов.**—Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ботир Бобоев. **Г. Назарянц.** — Контрреволюцион фитнанинг фош бўлиши (4-бет).

Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг конференциясида (4-бет).

Чехословакия Республикаси ҳукуматининг баёноти (4-бет).

## Сайлов кампаниясида энг муҳим давр

СССР Олий Советига сайлов куни — 16 март тобора яқинлашиб келмоқда. Сайлов кампанияси тобора қизиб бормоқда, ҳозир эса унинг энг муҳим даврлари бошланди.

Сайловга тайёргарлик ишлари совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлигини, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини, халқимизнинг қўлга киритган барча тарихий ғалабаларининг ҳаётбахш манбаи, коммунизм сари ишонч билан ҳаракатимизнинг асоси бўлган партия, ҳукумат ва халқ бирлигини қайта-қайта намойиш қилмоқда. Коммунистлар билан партиясизларнинг мустаҳкам халқ блоки ана шу бирликнинг ёрқин ифодасидир. Сайловда шонли Коммунистик партиямиз касаба союз, комсомол ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда қатнашмоқда.

Коммунистик партия вужудга келтирган ва чиниқтирган коммунистлар билан партиясизларнинг халқ блоки тош-метиндек мустаҳкам ва қудратлидир. Коммунистлар билан партиясизлар социалистик жамиятимизда биргаликда яшаб, ёнма-ён туриб мамлакатимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун, КПСС XX съезди белгилаб берган улуғвор программани амалга ошириш учун, яқин келажак — коммунизм учун қаҳрамонона курашмоқдалар ва жаҳоншумул-тарихий ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Депутатликка кўрсатилган кандидатлар коммунистлар учун ҳам, партиясизлар учун ҳам энг яқин ва қадрлидир. Саноат корхоналари, колхоз, МТС ва совхозларда бўлиб ўтган меҳнаткашларнинг кўпсонли сайловолди йиғилишларида коммунистлар партиясиз ўртоқларнинг кандидатурасини депутатликка қанчалик бирдамлик билан кўрсатган бўлсалар, партиясизлар ҳам шундай бирдамлик ва кўтаринки руҳ билан коммунистларни кўрсатдилар. Областимизнинг меҳнаткашлари СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб ўзларининг энг яхши вакилларини—саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторларини, фан ва маданият арбобларини, партия ва ҳукуматимизнинг атоқли арбобларини кўрсатдилар. Чирчиқ электрохимия комбинатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ҳалол меҳнати ва актив жамоат иши билан обрў қозонган инженер Гавҳар Ҳайдаровани, Оҳангарон шахтёрлари донгдор навалоотбойчи Анорбой Эргашевни, Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпминг кишилик коллективи донгдор тўқувчи Нина Алексеевна Игнатовани, янгиерликлар пахтачиликни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган тажрибакор олим Назрулла Манноновни СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатдилар. Бу кишилар ўз ҳаётларини Коммунистик партия ишига, Ватанимизни гуллаб-яшнатиш ва халқнинг бахт-саодати учун курашга бағишлаган совет ватанпарварларидир.

Сайлов кампаниясида муҳим вазифалардан бири кандидатлар учун агитация қилишдир. Кандидатлар учун агитация катта, шарафли ва масъулиятли иш. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, шунингдек меҳнаткашларнинг барча жамоат ташкилотларининг шу кундаги муҳим вазифаси барча сайловчиларни кандидатларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат ва жамоат фаолияти билан таништиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда йиғилишлар, митинглар, суҳбатлар, радио, матбуот ва телевидение каби сиёсий агитациянинг синалган муҳим воситаларидан кенг фойдаланиш керак.

Депутатликка кандидатларнинг сайловчилар билан учрашувлари уларнинг жамоат ва меҳнат фаолияти билан аҳолини таништиришнинг энг муҳим воситасидир.

Депутатликка кандидатларнинг таржимаи ҳоли, жамоат ва меҳнат фаолияти агитаторлар учун қимматли ва бой материалдир. Уларнинг жамоат ва меҳнат фаолияти мисолида Коммунистик партия совет кишисининг маънавий ўсиши ҳақида қанчалик ғамхўрлик қилаётгани, меҳнаткашлар оммасини давлатни идора қилиш ишига кенг жалб этаётгани ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шунга кўра депутатликка кандидатларнинг таржимаи ҳоли, жамоат ва меҳнат фаолияти билан танишмаган бирорта ҳам сайловчи қолмаслиги керак.

Сайловга саноқли кунлар қолаётгани сабабли ҳам партия ташкилотлари сайлов участкасида сайловолди сиёсий агитация ишларини янада кучайтиришлари, ташкилий-техника тайёргарликка алоҳида эътибор беришлари керак. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, агитколлектив ва агитаторларнинг сайловолди агитация ишларининг асосий мазмуни сайловчиларга КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мўрожаатини, Коммунистик партия ва ҳукуматимизнинг мамлакатимиз саноати ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришни, халқимизнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг муттасил ўсишини, СССР халқлари ўртасидаги қардошлик, дўстлик алоқаларни янада мустаҳкамлашни ва бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъмин этишни кўзда тутган ички ва ташқи сиёсатини ҳар тарафлама тушунтириб беришдан иборатдир.

Сайловни меҳнаткашларнинг уюшқоқлиги ва бирдамлиги билан ўтиши кўп жиҳатдан унга ташкилий техника жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришга ҳам боғлиқ. Энг яхши жамоат бинолари овоз бериш хоналари учун ажратилган. Эндиликда маҳаллий Советларнинг вазифаси— бу хоналарни сайлов кунига қадар муносиб даражада жиҳозлашдан, кабиналарни яширин овоз беришни тўла таъмин этадиган қилиб қуришдан, сайловчилар рўйхати ниҳоятда тўла ва аниқ бўлишини таъминлашдан иборат.

Ўтган барча сайловларда коммунистлар билан партиясизлар блоки ажойиб ғалаба қозонди, халқимиз шу блокнинг кандидатлари учун якдиллик билан овоз бериб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига ўзининг ишончини ва садоқати чексиз эканлигини кўрсатган эди. КПСС Марказий Комитети Мурожаатида барча сайловчиларни СССР Олий Советига ўтказиладиган бу сайловда ҳам коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари учун якдиллик билан овоз беришга чақиради. Шубҳа йўққи, Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва жонажон она-Ватан меҳри-муҳаббати билан яшаётган барча совет халқлари қаторида областимизнинг меҳнаткашлари бўлажак сайловда ҳам коммунистлар билан партиясизлар халқ блоки кандидатлари учун овоз бериб, Коммунистик партия ленинча Марказий Комитети атрофига янада жипслашганликларини намойиш қиладилар.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### АДМИРАЛ Ф. С. ОКТЯБРЬСКИЙГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист босқинчиларига қарши курашда флотга моҳирона раҳбарлик қилганлиги ҳамда мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун адмирал Филипп Сергеевич **Октябрьскийга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ҳамда **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.**
Москва, Кремль
1958 йил, 20 февраль.

## *Андижон областига Ленин ордени топширилди*

20 февралда Ўзбекистон пахтакорлари—пахтакорларнинг эндигина тамом бўлган Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари Андижон областига ҳукумат мукофотини тантанали суратда топшириш маросимида қатнашиш учун Кремлга келдилар. Булар орасида Андижон область колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари ҳам бор эди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдиновни, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидовни, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзени, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камоловни, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников ва Г. А. Габриельянцни, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. З. Мирзааҳмедовни, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ғ. Ғуломовни самимий кутиб оладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе Андижон областини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб берди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Андижон область меҳнаткашларининг делегациясига Ленин ордени топширди. Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Қурбонов, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси А. Ҳайдаров, Пахтаобод район партия комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Неъматшоев, Андижон район партия комитетининг секретари К. Усмонов, Избоскан район партия комитетининг секретари Ғ. Охунов, Хўжаобод район партия комитетининг секретари Т. Каримов, Жалақудуқ район партия комитетининг секретари П. Қаюмов, Ленинск район партия комитетининг секретари Т. Комилов, Андижон районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Бакиров, Олтинкўл районидаги Тельман номли колхознинг раиси М. Йўлдошева, Москва районидаги «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Раҳимов, Чинобод районидаги Ворошилов номли колхознинг раиси А. Умурзоқов ҳукумат мукофотини қабул қилиб олдилар.

К. Е. Ворошилов улар орқали область қишлоқ хўжалигининг барча ходимларини муносиб ва юксак мукофот билан самимий ва чин кўнгилдан қутлади.

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Р. Қурбонов, Пахтаобод район партия комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Неъматшоев, Олтинкўл районидаги Тельман номли колхознинг раиси М. Йўлдошева, Андижон районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Бакиров ва Избоскан районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Юсупов ўзларининг жавоб нутқларида ана шу мукофот область меҳнаткашларини ғоят шодлантирганлиги ва фахрлантирганлиги тўғрисида гапирдилар.

Андижон областининг пахтакорлари ўзларининг Ватан бахт-саодати йўлида қилган меҳнатларига бу қадар юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига қизғин ташаккур изҳор қиладилар. Улар мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжларини тобора кўпроқ миқдорда таъминлашдан иборат асосий вазифани бажариш учун ўз кучларини аямасликларини айтдилар. Андижонликлар КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукуматига ваъда бериб, бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта етиштиражакларини, давлатга жами камида 460 минг тонна пахта топширажакларини билдирадилар.

Пахтакорлар К. Е. Ворошиловнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. К. Е. Ворошиловнинг нутқи кўп марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

К. Е. Ворошилов айтдики, Андижон областининг Совет Иттифоқи олий ордени билан—Ленин ордени билан мукофотланиши областдаги барча пахтакорлар — колхозчилар, совхоз ва МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, шунингдек партия ва совет ходимларининг мукофотланиши демакдир.

К. Е. Ворошилов СССР Олий Совети Президиуми, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан Андижон области қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларини ажойиб муваффақиятлар билан, хусусан катта майдонларда пахтадан мўл ҳосил олганликлари билан қизғин табриклади.

К. Е. Ворошилов Ўзбекистоннинг бошқа областлари ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришадилар ва улар ҳам бунинг учун Ленин ордени билан мукофотланадилар, деб ишонч билдирди.

Ўтган тўрт йил ичида Андижон областида пахта майдони қарийб 10 минг гектар кенгайди. Андижон области 1957 йилда пахта етиштириш юзасидан Ўзбекистонда биринчи ўринни олди, маълумки, ҳар гектар ердан олинган пахтанинг ўртача ҳосили 1953 йилдаги 23,7 центнер ўрнига 28 центнердан кўпроқ бўлди. Областдаги кўпгина районлар пахтадан янада кўпроқ ҳосил олдилар. Масалан, Андижон районида ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда қарийб 36 центнердан, Пахтаобод районида 34,9 центнердан, Ленинск районида 32,2 центнердан пахта олинди.

К. Е. Ворошилов яна бундай деди: Областдаги илғор районларнинг эришган муваффақиятлари алоҳида тақдирга сазовордир ва шу билан бирга, пахта ҳосилдорлигини ошириш учун катта резервлар борлигини кўрсатади.

Фан ютуқлари ва илғор иш тажрибаларини пахтачилик соҳасида кенг қўлланиш—пахтадан муттасил мўл ҳосил олишнинг асосий манбаларидан биридир. 90 минг гектардан кўпроқ майдонда чигит квадрат-уялаб экилди ва икки томонлама ишланди. Бу чора пахта етиштиришда одам кучи меҳнатини сарфлашни анча камайтирди ва областдаги колхозларнинг салкам икки миллион иш кунини тежашларига имкон берди.

Областдаги колхоз ва совхозлар аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш юзасидан Коммунистик партия томонидан қўйилган вазифани амалга ошира бориб, 1957 йилда сут етиштириш соҳасида олинган мажбуриятни, шунингдек жамоат чорвачилигини ривожлантириш планини бажардилар. Ўтган йили колхозларда соғиб олинган сут миқдори 1954 йилдагидан беш баравар ортди. Областдаги колхозлар ўтган йили гўшт, сут ва жун етказиб бериш ва харид қилиш давлат планини анча ошириб бажардилар.

Колхозлар пахта ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш натижасида салкам бир ярим миллиард сўм даромад олдилар ёки 1955 йилдагидан 235 миллион сўм кўпроқ даромад олдилар.

Шу нарсани айтиб ўтиш қувончлики, деди К. Е. Ворошилов,—даромад кўпайиши билан колхозлар ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қурилишини кенг миқёсда ривожлантириб юбордилар.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши, дейди К. Е. Ворошилов,—кеча тамом бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистоннинг илғор пахтакорлари қимматли тажрибаларини айирбошлаш, пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларни муҳокама қилиш учун тўпландилар. Қаттиқ ишонч билдириб айтиш мумкинки, бу кенгаш пахта етиштиришни янада кўпайтириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат сарфини камайтиришда, илғорларнинг ютуқларини барча колхоз ва совхозларда жорий қилишда муҳим роль ўйнайди.

Кенгаш улуғ социалистик Ватанимиз халқларининг бузилмас дўстлигини, шонли Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тантанасини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Мамлакатимизнинг халқлари қардошлик оиласида аҳиллик билан коммунизм қуриш йўлидан бормоқдалар. Халқларнинг дўстлиги—бизнинг кучимиз, тинч ижодий меҳнат соҳасида ва Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлаш соҳасида эришган ғалабаларимизнинг ва бундан кейин эришадиган янги ғалабаларимизнинг гаровидир.

К. Е. Ворошилов сўзининг охирида Андижон областининг меҳнаткашларини юксак мукофот билан яна бир марта самимий табриклади ва уларнинг пахта далаларида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишларини, ўзларининг шахсий ҳаётида соғлом ва бахтиёр бўлишларини тилади.

Андижон областига Ленин орденини топшириш маросимида Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари М. Ғуломов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари А. Тоиров, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари О. Алимов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳакимов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Нуриддинов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Т. Қамбаров, меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг раиси Р. Ортиқов ва Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси К. Ёқубжоновлар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).



**Суратда:** СССР Олий Совети Президиуми Раиси **К. Е. Ворошиловнинг** Андижон область вакилларига Ленин ордени топшириш пайти.

**Н. Ситников** фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

## Пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари шарафига

### *Катта Кремль саройида қабул маросими*

Пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгашида қатнашган колхоз ва совхоз далаларининг шонли меҳнаткашлари беш кундан бери Москвада меҳмон бўлиб туришипти. Улар ўзлари эришган бой тажрибаларни бир-бирларига айтиб, қилган катта ишларининг натижаларини якунлаб, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказьедаги ўртоқларига ва дўстларига Катта Кремль саройи минбаридан мурожаат қилдилар ва уларни совет пахтачилигини тағин ҳам зўр куч билан юксалтирмоқ учун ҳормай-толмай кураш олиб боришга чақирдилар.

20 февраль кечқурун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари шарафига Катта Кремль саройида қабул маросими ўтказдилар. Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР, Озарбайжон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР ва Арманистон ССР қишлоқ хўжалик илғорлари Георгий залида ва Грановитая палатада тўпландилар. Мўл ҳосил усталаридан кўпларининг кўкракларида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олтин юлдузлари, Совет Иттифоқи орденлари ва медаллари, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг медаллари уларнинг меҳнат соҳасидаги қаҳрамонликларидан далолат бериб ярқираб турибди.

Залда пахтакорлар билан бирликда Москвадаги тўқимачилик корхоналарининг оқ олтинни миллион-миллион метр газлама қилиб тўқиб бераётган ишчилари, инженерлари ва техниклари ҳам тўпланган.

Меҳмонлар орасида СССР Олий Советининг депутатлари, СССР министрлари, иттифоқчи республикаларнинг партия ва совет раҳбарлари, шунингдек пахтанинг янги сортларини ва такомиллашган тўқимачилик машиналарини зўр ижодий ғайрат билан яратиб берган атоқли совет олимлари ҳам бор.

Қабул маросимида СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Бирма Иттифоқи, Болгария ва Афғонистондан келган қишлоқ хўжалик ходимлари ҳозир бўлдилар.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник, А. Н. Косигин, М. Г. Первухин ўртоқлар меҳмонларни кутиб олдилар.

Залда тўпланганлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР ҳукумати раҳбарларини қизғин табрикладилар. Кремль саройида қарсаклар гулдураб кетди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Н. А. Муҳитдинов** залда тўпланганларга мурожаат қилиб нутқ сўзлади. У, дедики, КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон ва Тожикистоннинг, Туркманистон ва Озарбайжоннинг, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистоннинг ажойиб вакиллари, социалистик Ватанимизнинг шонли пахтакорлари шарафига бу қабул маросимини ташкил қилдилар.

— Партиямиз Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг, — деб давом қилди ўртоқ Н. А. Муҳитдинов, — самимий табригини ва энг яхши истакларини сизларнинг ҳаммангизга топширишга ижозат берингиз.

Пахтакорларнинг кеча ўз ишини тамомлаган кенгаши ғоят уюшқоқлик, ишчанлик билан ва юксак даражада ўтди. Никита Сергеевич Хрушчевнинг ёрқин нутқида, музокараларда, мажбуриятларда ва докладларда кўтарилган масалалар пахтачиликни ривожлантиришда катта босқич бўлиб, пахтачилик тарихида, шунингдек Ўрта Осиё ва Закавказье халқларининг тарихида янги саҳифалар очиб беради. Кенгаш, Лужникида ўтказилган катта концерт ва бугунги қабул маросими, шунингдек Ўрта Осиё ва Закавказье вакилларининг заводлар, фабрикаларда, майдонларда ва кўчаларда Москва меҳнаткашлари билан бўлган учрашувлари ленинча миллий сиёсатнинг ҳамда оғамиз улуғ рус халқи бошчилигида Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликнинг қудратли намойишига айланди.

Партиянинг раҳбарлиги, халқлар ўртасидаги дўстлик ва бирлик — булар Совет Иттифоқи ва ҳар бир айрим республика эришаётган ҳамма муваффақиятларнинг асосий шарти ва гаровидир. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Закавказье халқларининг вакиллари, бу улуғ дўстликни кўз қорачиғидек сақлаймиз ва улуғ партиямизнинг ленинча интернационал байроғига ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз, деб Кремлда тантанали ваъда берганликлари тасодифий иш бўлмади.

Н. А. Муҳитдинов Бутуниттифоқ кенгашида ҳозир бўлган чет эл меҳмонларини самимий табриклайди. У, совет пахтакорларига шон-шарафлар бўлсин ҳамда улуғ рус халқи бошчилигида СССР халқларининг абадий дўстлиги ва чин қардошлиги омон бўлсин деб хитоб қилади. Залда узоқ давом қилган гулдурос қарсаклар янграйди. Ўртоқ Муҳитдинов барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Совет Иттифоқининг улуғ ленинчи Коммунистик партияси яшасин деб биринчи қадаҳни кўтарганида гулдурос қарсаклар яна кучайиб кетади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. Е. Ворошилов** сўз олади. У, улуғ совет халқи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилади.

Бизнинг совет халқимиз, — дейди К. Е. Ворошилов, — инсоният тарихида мисли бўлмаган жуда ажойиб халқдир. Бу ерда Шарқдаги етти республикамизнинг вакиллари турибди. Буларнинг ҳаммаси турли республикалар эканлигини ҳаммамиз ҳам биламиз, лекин шундай бўлса ҳам бизлар яхлит, қардош оиламиз. Фақат бир нарсага афсусланиш мумкинки, азиз ўртоқлар ва дўстлар, бу ерда қолган саккиз республикамизнинг вакиллари келгани йўқ.

Бизнинг мамлакатимиз кўп миллатли мамлакат, лекин мамлакатимизда миллий душманлик, ҳатто миллатлар ўртасида англашилмовчилик ҳеч қачон бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қайсимиз қайси соҳада ишлаётганимиздан қатъи назар ҳаммамиз меҳнаткашлармиз, ҳаммамиз коммунизм қураётган социалистик давлатимизнинг бахт-саодат йўлида, бугун халқимизнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилмоқдамиз.

Бу ерда қардош халқларнинг дипломатик вакиллари ҳам бор, биз бунга ҳаммамиз хурсандмиз.

К. Е. Ворошилов, мана шу улуғ бинокор халқнинг энг яхши, таркибий қисми бўлган ажойиб Совет Коммунистик партияси яшасин, халқимиз ҳамиша боадабликнинг, инсоф-диёнатнинг, меҳнатсеварликнинг, доноликнинг ва табиат инсонга берган ҳамма яхши хислатларнинг ҳамиша намунаси бўлсин, деб хитоб қилади.

Бунга жавобан яна гулдурос қарсаклар янграйди.

Мўл ҳосил етиштирувчи пахта устаси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистондаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси **Ҳамроқул Турсунқулов** микрофон олдига келади. У, совет халқининг Коммунистик партия теварагида жипслашганлиги ҳақида, эски вақтда эзилиб келган ўзбек, қозоқ, қирғиз халқлари ва бошқа халқлар мамлакатимизда зўр иззат-ҳурмат қилинаётганлиги ҳақида гапиради.

— Биз, — дейди ўртоқ Турсунқулов, — пахтачиликни янада юксалтириш тўғрисида зиммамизга юксак социалистик мажбуриятлар олдик. Биз бу мажбуриятларни албатта бажарамиз! Улуғ Коммунистик партиямиз, унинг Марказий Комитети омон бўлсин!

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари **А. И. Кириченко** қисқа нутқ сўзлайди.

— Бугун биз, — дейди у, — бу ерда Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозоғистон халқларининг вакиллари билан, рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг вакиллари билан учрашиб турибмиз.

У гулдурос қарсаклар остида меҳнатсевар ўзбек халқи яшасин, Ўзбекистон Коммунистик партияси яшасин, унинг Марказий Комитети яшасин, деб хитоб қилади.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тожикистондаги «Москва» колхозининг раиси **С. Ўринхўжаев** қабул маросимида қатнашувчиларни ўз она тилида табриклайди.

Унга КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. А. Суслов** жавоб қайтаради. У Тожикистоннинг ажойиб пахтакорлари яшасин, тожик халқи яшасин, унинг ҳукумати яшасин, Тожикистон Коммунистик партияси яшасин, деб хитоб қилади.

Ўртоқ Сусловнинг бу сўзлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Туркманистон ССРдаги «Ленинизм» колхозининг раиси **А. Қандимов** халқлар дўстлиги ҳақида гапиради, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига туркман халқи тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун қизғин ташаккур билдиради.

**(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)**

